



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 190 (13.003)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ФАОЛЛИККА УНДОВЧИ ТАНЛОВ

Пойтахтимиздаги ёшлар ижод саройида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан “Парламентаризм билимдони” онлайн танловига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, “Камолот” фаоллари, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди, дея хабар беради ЎЗА.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни Ватанимиз равнақи йўлида бирлаштириш, уларни маънан етук, мустақил фикрлайдиган, аниқ ҳаётий позицияга эга авлод этиб тарбиялаш борасида тизимли ишлар амалга ошириладиганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бунда муҳим омил бўлмоқда.

“Парламентаризм билимдони” онлайн танловидан кўзланган мақсад ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ушбу ҳужжат асосида қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга кўмаклашиш, шу орқали ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат.

Танлов жорий йилнинг 8 декабрига қадар www.pb2015.uz сайти орқали 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилади. Унга кўра иштирокчилар ҳар ҳафтада Бош қомусимиз ва қонунлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг фаолияти юзасидан бериб бориладиган 5 саволга жавоб ёзиб бориши керак. Ҳар бир тўғри жавобга 20 баллдан баҳо қўйилиб, тўпланган баллар сайт орқали доимий равишда эълон қилиб борилади.

Матбуот анжуманида журналистларга танловни юқори савияда ўтказиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Даврон СУННАТОВ

БЕЛЬГИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мамлакатимизга ташриф буюрган Бельгия Қироллиги парламенти Вакиллар палатаси раиси Зигфрид Браке раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов билан учрашувда Ўзбекистон ва Бельгия ҳамкорлиги сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги парламентлараро муносабатлар тобора фаоллашмоқда. Бельгия парламенти вакиллари, “Бельгия – Ўзбекистон” парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи аъзолари мамлакатимизда ўтказилган халқаро анжуманларда мунтазам иштирок этиб келаётир.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Бельгия ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тизими жорий қилинган. Ўзбекистон Бельгияга пахта толаси, газлама, ноорганик қимё маҳсулотлари экспорт қилади. Бельгиядан мамлакатимизга механик ускуналар, фармацевтика маҳсулотлари, пластмасса буюмлар, каучук ва резина келтирилади. 1999 йилдан Тошкентда Валлония Экспорт ва хорижий сармоялар бўйича агентлиги (AWEX) ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Ғарбий Фландрия Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган. Мамлакатларимизда қишлоқ хўжалиги, савдо, иқтисодиёт, сармоя, шахарлар инфратузилмасини такомиллаштиришга бағишланган қатор бизнес-форум ва тақдиротлар, ишбилармонлар учрашувлари ўтказилмоқда.

Бельгия парламенти делегацияси аъзолари Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсатини, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саясий ҳаракатларини юқори баҳолади. Ўзбекистон билан парламентаризм, савдо, иқтисодиёт каби соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида қайд этди.

– Ўзбекистон муҳим стратегик ҳамкорларимиздан, – деди Зигфрид Браке. – Давлатингиз минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда, шу тариқа минтақадаги осойишталик ва фаровонликка улкан ҳисса қўшмоқда. Мамлакатингизда тadbиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар, соҳа тарқиёти учун яратилган имконият ва қўлайликлар эътиборга молик. Биз Ўзбекистоннинг “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” стратегияси билан ҳам яхши танишимиз. Мамлакатингизда амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ислохотлар халқингиз фаровонлигининг асосидир. Турли йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлигимизни янада равнақ топтириш ниятидамыз.

Бельгия делегацияси аъзолари мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, унинг қўмиталари, фракциялари ва депутатлик гуруҳлари фаолияти билан таништирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Олий Мажлисининг Бельгия Қироллиги парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳи раҳбари А.Сидов билан учрашув чоғида икки мамлакат ўртасида парламентлараро муносабатларни ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, савдо-иқтисодий каби қатор соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашувини фаоллаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Бельгия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликларида ҳам музокара-лар ўтказди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона шаҳрида янги бунёд этилган муҳташам спорт кошонаси – сув спорти саройи фойдаланишга топширилди. “Кувасойтаъмирқурилиш” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан 14 миллиард 700 миллион сўмликдан ортқ маблағ эвазига барпо этилган мазкур ёпик сузиш мажмуасида барча шaroит яратилган. Сув ҳавзаси, машғулот ва тренажёр залларига эга ушбу мажмуада болалар сузиш, синхрон сузиш, сув полоси каби спорт турлари билан шуғулланади.

• “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ихроси доирасида ташкил этилган “Саломатлик поезди” Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл, Беруний, Эллиққалъа ва Амударё туманларида бўлиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказди.

• Фарғона шаҳрида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. “Оила дорил-фунуни”, “Ёш оила қурувчилар мактаби” хоналари, маросимлар зали, хужжатларни сақлаш ва бошқа хоналар бугунги кун талаблари асосида жиҳозланган. “Равон йўл сервис” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан амалга оширилган қурилиш ишларига 3 миллиард сўм маблағ сарфланди.

• Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмасининг ички касалликлар ва болалар бўлимлари капитал таъмирдан чиқарилган замонавий бинода иш бошлади.

ЖАҲОНДА

• Испания ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари денгизда бортда бир неча тонна гиёҳванд модда бўлган елканли кемани қўлга олди. Юкнинг ҳаддан ташқари кўплиги сабаб, кема чўкиб кетишига бир баҳа қолган. Голландия байроғи остида сузиб кетаётган елканли кема 12 сентябрга ўтар кечаси Испания жанубидаги Алмерия вилояти қирғоқлари яқинида қўлга туширилган. Ҳуқуқ-тартибот посбонлари кема бортида 350 та халтачага ажратиб чиқилган 10 тонна гиёҳванд моддаси борлигини аниқлади.

• Google ва Twitter мобил қурилмалар учун хабарлар хизматини ишга туширади. У сервисга даврий нашрлар томонидан жойланган янгиликларни фойдаланувчиларга тезликда етказиш билан шуғулланади. Ҳозирча бу кечикишлар билан содир бўлмоқда, бундан ташқари, хабарни ўқиш учун кўпинча уни жойлаган ОАВ сайтига ўтишга тўғри келади.

• Toyotaнинг Шимолий Америка бўлини 2014 йил июнида тақдироти ўтказилган лойиҳа – “Учар автомобиль” қаноти конструкцияси учун АҚШда патент олди. Конструкция “Аэромобилга мўлжалланган йиғилувчи қанот” номини олган. Тўрт қанот ишламаётган вақтда автомобилнинг том қисмида жойлашган қанотларни салондаги махсус тугмани босиш орқали ҳаракатга келтириш мумкин.

Ахборот-коммуникация технологиялари

ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСИ

Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти очиқлигини таъминлаш, жамоатчиликка бу борада аниқ ва ҳолис ахборот етказиб бериш юзасидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури бу йўналишдаги ислохотларни чуқурлаштириш, давлат ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ахборот-коммуникация тизимлари жадал тараққий этиши аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг самарадор усулларини амалиётга татбиқ этишга имкон яратди. Эндиликда ҳар бир фуқаро ахборот-коммуникация воситалари кўмагида ўзига зарур ахборот ёки маълумотни топиши, тadbиркорлик субъектлари тегишли метeрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг муайян йўналишда амалга ошираётган ишлари билан яқиндан танишиши мумкин. Бундан интернет тармоғида турли ташкилот ва муассасалар фаолияти ҳақида маълумотларни ўзида жамлаган Очиқ маълумотлар порталининг ўрни бекиёс.

Очиқ маълумотлар портали – давлат ҳокимияти органларининг очиқ маълумотлари марказлаштирилган тартибда эркин чоп этиладиган ва тарқатиладиган махсус ахборот ресурсидир. Бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Австрия, Канада сингари давлатлар ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг очиқ маълумотлар портали муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Портал нафақат давлат бошқаруви органлари тизимининг очиқлигини таъминлашга, балки иқтисодиётга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Очиқ маълумотлар янги йўналишдаги компаниялар ташкил этилиши, дастурий маҳсулотлар яратилиши, тadbиркор-

лик субъектларига фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

– Шу йилнинг март ойида синов тартибида ишга туширилган Очиқ маълумотлар портали фаолиятини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 августда “Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди, – дейди Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази директорининг ўринбосари Элёр Раҳмонов. – Қарор асосида тасдиқланган низомида мазкур электрон ресурсни ривожлантириш, фойдаланувчилар учун зарур маълумотларни тақдим қилиш механизмини такомиллаштириш, портал оператори ва маълумотларни тақдим қилувчи масъуллар, фойдаланувчилар билан ўзаро алоқаларни тартибга солиш чоралари белгиланган бўлиб, бу фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш, ахборотдан фойдаланиш каби конституциявий ҳуқуқларининг янада кенг таъминланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали (www.gov.uz) доирасида фаолият кўрсатадиган Очиқ

маълумотлар порталида давлат органлари фаолиятига тааллуқли маълумотлар машина ўқийдиган шаклда жисмоний ва юридик шахсларга эркин фойдаланиш учун бепул тақдим қилинади.

Дастлабки босқичда саккиз ташкилотнинг 80 турдаги очиқ маълумоти киритилган порталда бугунга келиб 15 йўналишда 50 давлат органининг 550 турдаги маълумоти тақдим этилмоқда. Шу кунгача Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Ташқи ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда бошқа давлат органларининг маълумотлари 100 минг мартадан зиёд юклаб олинган.

Очиқ маълумотлар порталини зарур ахборот билан таъминлаш ва янгилаб боришда давлат органлари раҳбарларининг бевосита жавобгар этиб белгиланиши маълумотларнинг аниқ, ишончли ва ўз вақтида эълон қилинишини таъминлайди. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимиятлар веб-сайтларида ҳам “Очиқ маълумотлар” бўлими ташкил қилиниб, маълумотлар билан мунтазам тўлдириб борилади.

2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш республика комиссияси томонидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сайтларида ва Очиқ маълумотлар порталида эълон қилиниши лозим бўлган очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхати тасдиқланиб, Ҳукумат порталида эълон қилинади.

(Давоми 2-бетда)

Анжуманлар

РЕЖАЛИ ИШЛАР АМАЛГА
ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг иштироки" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган анжуманда мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани таъкидланди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 6 миллиондан зиёд қасаба уюшма аъзоларининг 50 фоиздан ортигини қорхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ёш мутахассислар ҳамда талаба ва ўқувчилар ташкил этади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси, Қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишувга, тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда қорхоналарда имзоланган ҳамда шартномаларида "Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва қўллаб-қувватлаш" бўлими киритилган.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар барқарор авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий муҳофазалаш, тўлақонли билим бериш, миллий анъана ва қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш масаласи Юртошимиз раҳнаомлигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидлаб ўтти.

Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, шунингдек, маънавиятини оқсатириш, саломатликларини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Қасаба уюшмалари Федерациясида Ёшлар кенгаши, тармоқ ва ҳудудий қасаба уюшма ташкилотлари қошида эса Ёшлар билан ишлаш тузилмалари ташкил этилди. Ёшларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, шу мақсадда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бора-бора ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, коллеж битирув-

чиларнинг эгаллаган мутахассислигига мувофиқ ишга жойлаштирилишига қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришдаги асосий вазифалари юзасидан Услубий кўрсатма тасдиқланди. Мазкур кўрсатмага асосан коллежларга қорхона ва ташкилотларнинг малакали мутахассисларини бириктириш, биринчи бор ишга кирган битирувчиларга ишга қабул қилиш имтиёзлари, меҳнат шартномасини расмийлаштириш ҳамда меҳнат шартномаси муддатлари билан боғлиқ масалаларда тушунчалар бериш каби масалалар бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ёш мутахассислар Республика Форуми ўтказиб келинмоқда. Ёшларни ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур Форумда 2013 йилда 10 дан зиёд йўналишларда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган 100 нафарга яқин ёш мутахассис иштирок этган бўлса, 2014 йилда уларнинг қамрови 16 минг нафардан ортиди. Форум доирасида 20 дан ортиқ номинациялар бўйича "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловини ўтказиш анъанаси айланди.

Анжуман давомида ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат муҳофазаси, ёшларнинг инновацион ғоя ва ишланмаларини қўллаб-қувватлаш, Қасаба уюшма стипендиялари, ёшларни соғломлаштириш, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган акциялар, маданий-маърифий ва спорт ишлари борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Анжуман сўнида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР —
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ АСОСИ(Давоми. Боши
1-бетда)

Портал ишини янада ривожлантириш мақсадида маълумотлар базасини кенгайтириш, мақсадли гуруҳлар ўртасида Портал фаолиятини оммалаштириш, турли танловлар ўтказиш, меъёрий-ҳуқуқий ва услубий таъминотни такомиллаштириш, маълумотларга овоз бериш, муҳокама қилиш, ғоялар билан бойитиш, форум ва блоглар ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

Портал ва Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг веб-саҳифаларидан олинган маълумотлар асосида оммавий, ижтимоий аҳамиятга эга ва инновацион дастурлар ҳамда сервисларни яратиш мақсадида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ҳақотон (беллашув) ўтказилмоқда. Ҳақотон кел-

гусида мамлакатимиз дастурчи, график дизайнер, таҳлилчи, журналист ва менежерлари ўртасида очик маълумотлар ғоясини оммалаштиришга хизмат қилади.

Очиқ маълумотлар порталининг ривожланиши мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари, таҳлилчилар учун қўлай имкониятлар яратди. Хусусан, давлат органлари фаолияти юзасидан аниқ ва ишончли маълумотни топиш, таққослаш, ўрганишда мазкур электрон ресурс яқин кўмакчи вазифасини ўтайди. Бугунги кунда тобора оммалашаётган иқтисодий кўрсаткичларни содда (масалан, инфографика) шаклда тақдим этишга асосланган маълумотлар журналистикасининг тараққий этишига ҳам мазкур портал маълумотлари ижобий таъсир кўрсатади.

— data.gov.uz порталининг ишга туширилиши биз учун яна бир қўлайлик бўлди, — дейди ху-

сусий тадбиркор Хусан Шеров. — Порталнинг "Бизнес" бўлимида юридик шахсларнинг ташкилий шакллари, нотариусларнинг реестри, лицензияланадиган фаолият турлари, банк хизматлари, савдо тартиб-таомиллари, солиқ ва божхона сингари тадбиркорлик фаолиятига оид маълумотларнинг битта манбага жамлангани вақт ва маблағни тежашда қўл келмоқда.

Мухтасар айтганда, Очиқ маълумотлар портали Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараларини ўзида акс эттирадиган, айни чоғда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириб, кучли фуқаролик жамияти асосларининг пишик-пухталигини таъминлайдиган, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга хизмат қиладиган муҳим ахборот ресурсига айланди.

Бандлик дастури — амалда

ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН
ОФИСЛАР ИШ БОШЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи интеграциялашган офислар лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Лойиҳа Жаҳон банки билан ҳамкорлик доирасида бажарилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, лойиҳа аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофазаси юзасидан бандликка қўмаклашувчи марказлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Лойиҳанинг 2015-2016 йилларга мўлжалланган биринчи босқичида Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи интеграциялашган офислар фаолияти йўлга қўйилади. Замонавий талаблар асосида бунёд этиладиган офислар энг илғор ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланади.

"Ягона ойна" тамойили бўйича хизмат кўрсатадиган ушбу офисларда турли ижтимоий хизматлар ва бандликка қўмаклашиш масалаларида аҳолига малакали мутахассислар хизмат кўрсатиши кўзда тутилган. Келгусида ушбу синов лойиҳалари асосида мамлакатимизнинг барча туманларида шу турдаги офисларни барпо этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги лойиҳани амалга ошириш доирасида аҳоли ўртасида бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир тақлифларни ҳам ўрганиб боради.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

тиббий муаммоларга бефарқ бўлувчи ҳамшаҳарларимиз ўз мобил телефони орқали узатилган SMS матнини беихтиёр очиб ўқиши натижасида тиббий саводхонлигини оширишнинг энг осон ва қўлай усулидан фойдаланади.

— Ахборот асрида яшашимиз, истасак-истамасак, ён атрофимизда бизга керакли-керасиз маълумотлар кўп. Кўча-кўйдаги эълон, афиша, телерадио орқали узатиш рекламалари, машина, ҳовли, одамлар, ҳамма-ҳаммаси бизни қураб олган. Биз базан мавҳуд ахборотга қаноат қилмасдан, интернетга қирамиз. Телевизор орқали қайсидир давлат ҳудудига рўй берган авио-ҳалокатдан хабар топамиз. Аммо бизга фойдали бўлган, нимадан-дир огоҳ этувчи хабарни бундай ахборотлар сирасига киритмаган бўлардим. Яқин вақтдан бери мобил телефонимга тиббий характердаги хабарлар кела бошлади. "Болакаригимизни вирусли гепатит А касаллигидан сақлаш учун эмлатинг" деган хабар мени бефарқ қолдирмади. Бу хабар замирида ҳар бир ота-онани огоҳликка чорловчи мақсад бор. Турли ёшдаги фарзандларим саломатлигини асрашда бу каби хабарлар биз оналарга асқатади, — дейди Миробод туман солиқ инспекцияси ходими Наргиза Наврўзова.

Республика саломатлиги ва тиббий статистика институти шифокорлар жамоаси йил бошидан бери мобил соғлиқни сақлаш соҳасида 14 хил хизмат турини амалиётга татбиқ қилди. Республика иختисослаштирилган кардиология, эндокринология, онкология илмий-амалий тиббиёт марказлари, травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда бодан зиёд тиббий мазмундаги SMS хабар матнлари тайёрланиб, мобил алоқа компаниялари абонентларига тақдим этилди. "Smile Mobile" хусусий қорхонаси билан бирга хабар матнларини тарқатиш учун "Соғлом ҳаёт" лойиҳаси бўйича тест синовлари ўтказилмоқда.

Хулқар КУЗМЕТОВА

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ 2015 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛДАГИ "ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН УНДИРИБ ОЛИНАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИГИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ ЯНГИ МИҚДОРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА" 161-СОНЛИ ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда;) ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 24 февралдаги "Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида"ги 161-сонли қарорига ("Тошкент оқшоми", 2015 йил 27 февраль, 51-сон) мувофиқ, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ва Тошкент ИИББ ЙХБнинг мурожаатларини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 24 февралдаги "Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида"ги 161-сонли қарори 1.1-илоҳавасининг 4.5-позицияси чиқариб ташлансин.
2. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қуча қиради.
4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуаси ва Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Р.А.Абдумажитов зиммаларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов2015 йил, февраль 24-да
11 сентябрь 2015 йилАхборот-коммуникация
технологиялари ҳафталиги
МУТАХАССИСЛАР
БАҲСИ

Ёшлар ижод саройида "ICTWEEK Uzbekistan - 2015" анъанавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида "Intellect2All" республика танловининг финал босқичи бошланди.

Мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялари соҳасида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва рағбатлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётди. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Тошкент ахборот технологиялари университети қўмағида Ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган янги "Intellect2All" ёшлар лойиҳаси улардан биридир.

Танловда 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этиб, веб-илова, мобил ишланмалар ва виртуал воқелик бўйича иловалар яратиш номинациясида ўз лойиҳаларини тақдим этмоқда.

Таъкидлаш керакки, саралаш босқичларида беш юздан ортиқ лойиҳа орасидан энг яхши 23 лойиҳа танлаб олинди ва уларнинг амалиёфлари финал босқичида иштирок этиш йўлланмасига эга бўлди. Бундан ташқари, финал босқичи қатнашчилари "Юрт келажаги" оромгоҳида ўз йўналишлари бўйича маърузаларда иштирок этиб, лойиҳасидаги камчиликлар устида ишлади.

— Танлов доирасида ўтказилаётган тренинг ва маҳорат сабоқларида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим ва кўникмаларимизни бойитмоқдамиз, — дейди ЎЗА мухбири Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Мухаммадали Акбаров. — Дарсларнинг аксарияти интерфаол шаклда ўтди. Лойиҳамни ишлаб чиқиш учун қисқа вақт ажратилганига қарамасдан, унинг "Cartoon city roller cluster" намунасини тайёрладим. Бу фойдаланувчига махсус кўзойнаклар ва смартфон ёрдамида виртуал аттракционда сайр қилиш имконини беради.

"Intellect2All" танлови финал босқичининг дастлабки кунини тадбирларга бой бўлди. Мамлакатимизнинг амалиётчи мутахассислари томонидан ўтказилган маҳорат сабоқлари ёш дастурчиларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантиришга ёрдам берди.

М.ҚАРШИБОВ



Қўли гул ёш ҳунармандлар

ЎЗА олган сурат

Ҳаётимизга кириб келаётган янгидан-янги технологиялар узоғимизни яқин, мушкулларимизни осон қилмоқда. Қўл билан бажариладиган кўплаб ишларнинг техника зиммасига юклатилиши вақтдан ютишга имкон беради. Айниқса, мобил алоқа воситаларисиз бугунги ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, Халқаро электрон алоқалар иттифоқи маълумотларига кўра, дунё бўйича симсиз алоқа воситаларидан фойдаланувчи абонентлар сони 5 миллиарддан ошган бўлса, мамлакатимизда бу рақам 19,6 миллионга тўғри келмоқда. Бу эса мобил алоқа хизматидан аҳолининг 64 фоизи фойдаланаётганини кўрсатади. Beeline, Ucell, Perfectum Mobile, Uzmobil, UMS компанияларига аъзо бўлган абонентлар мобил алоқа воситасининг барча хизматларидан фойдаланишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жорий қилинган мобил соғлиқни сақлаш жараёни тиббиёт соҳасидаги янгилардан бири бўлди.

Кўпгина мамлакатларда мобил соғлиқни сақлаш тажрибаси йўлга қўйилган. Хусусан, Янги Зеландияда "Чекишдан воз кечиш" дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур клиник синовдан ўтган бўлиб, тўпланган тажриба бошқа давлатларга тарқатилди. Европа давлатларида эса SMS хабарлари қандли диабет, астма, ортхика вазн, ўпкадаги сурункали обструктив, юрак ишемики касалликларининг олдини олиш ва даволаниш тартибига риоя қилиш бўйича юборилади. Америка Қўшма Штатлари ва бир қатор Осиё мамлакатларида ҳомиладор аёлларга назоратда бўлишлари, ОИБ, ОИТС касаллигига тест ўтказиш ва эмлашлар ҳақида SMS хабарлари юборилади.

— Хизматнинг ушбу тури учун мақсадли гуруҳлар ташкил қилинган бўлиб, бу тартибга аҳолининг барча қатламлари — катталар, болалар, ҳомиладор аёллар қиради, — дейди жорий йил бошидан амалиётга татбиқ қилинган мобил хабар матнлари хусусида Республика саломатлиги ва тиббий статистика институти

директори Зулхумор Муталова. — Глобаллашув даврига хос манзара — замондошларимиз иш, ўқиш ва ҳаётини ташвишлар билан банд. Шундай тезкор даврда юрдошларимизнинг тиббий саводхонлигини оширишга ҳисса қўшадиган ёки уларни огоҳликка чорлайдиган SMS хабар матнларини бирварақайга юбориш

институти шифокорлари учун ҳам қўлай. Аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олиш, тиббий саводхонлигини ошириш, профилактик эмлаш кунлари, дори-дармонларни қабул қилиш, овқатланиш рақсонлигини тўғри белгилаш бўйича SMS хабар матнларини юбориш бир қарашда оддий ҳодиса бўлиб туюлади. Лекин мобил алоқадан фойдаланувчи ҳар қандай киши ўз рақамига SMS келиши билан очиб ўқийди ва тиббий характердаги хабар билан танишиб, ўз соғлигини асраб-авайлаш ҳақида уйлаб қўяди.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи аҳолининг аксарият қисми мобил телефон хизматидан фойдаланади. Ҳаттоки 1-синфга қабул қилинган болакайда ҳам, табарруқ ёшдаги отахону онахонларда ҳам мобил телефонни кўрамыз. Улар куну тун кўплаб SMSларни қабул қилиб, очиб ўқийдилар. Таъкидлаб ўтганимиздек, иш ва ўқиш билан банд бўлиб, поликлиникага боришни унутган ёки кундалик турмушда учрайдиган

Тиббиёт

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА
МУҲИМ ЯНГИЛИК

Болалар спортини

Фарзандлари соғлом
юрт қудратли бўлур

Ўқувчи-ёшлар бўш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш, уларнинг жисмоний тарбия ва спортга қизиқишини янада кучайтириш, болалар, ўсмирлар ўртасида спортнинг оммалашшига эришиш мақсадида шахримизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар кўмагида шу кунгача 372 та спорт мусобақалари ўтказилди. Бу тадбирларга 104904 нафар ўқувчи-ёшлар жалб этилган бўлса, уларнинг 47.127 нафарини қизлар ташкил этди.

Жорий йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра шахримизда 6-18 ёшгача бўлган ўқувчи-ёшлар спорт-соғломлаштириш гуруҳларида 150633 нафар болалар (улардан 67523 нафари қизлар) спорт билан шугулланиб жисмоний ҳолатларини яхши томонга ўзгартира олдилар. Мунтазам спорт билан 98652 нафар ёшлар (улардан 42566 нафари қизлар) шугулланаётганлари эътиборга лойиқ. Шахримиздаги спорт мактабларида спортнинг 30 дан ортиқ тури билан 249285 нафар ўқувчи-ёшлар шугулланаётган бўлса, уларнинг 103611 нафарини қизлар ташкил этмоқда.

Шунингдек, шу кунгача режа асосида янги йил, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз, Оила куни, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ёшлар иш-

мат, шашка, енгил атлетика, эркин кураш, бокс, бадий ва спорт гимнастикаси, акробатика, теннис, гандбол, бадминтон, турон, каратэ, ўзбек жанг санъати, эркин ва юнон-рум кураши, белбоғли кураш, миллий кураш, сузиш, спорт гим-

Фарзандларимизнинг маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти бекиёс.

тирокида футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, шах-

бронза медалларини кўлга киритмоқдалар.

Жорий йилда "Ўзбекистон" спорт мажмуасида ўтказилган "Умид ниҳоллари — 2015" спорт мусобақаларининг финал босқичига 1700 нафар спортчилар, ўқитувчилар жалб этилди. Шахримиз микёсидаги мусобақада фахрли биринчи ўрин Чилонзор тумани жамоасига насиб этган бўлса, 2-3 ўринларни Юнусобод ҳамда Учтепа туманлари жамоалари эгаллашди.

Миллионлар ўйини бўлмиш футболга барча бирдек қизиқади. Ушбу спорт турини янада ривожлантириш мақсадида ҳар йили маҳалла болалари ўртасида "Футболимиз келажиги" республика кубоги мусобақаларини ўтказиш анъана тусини олган. Жорий йилда ҳам ушбу мусобақалар қизиқарли ўтиб кўпгина ёш, иқтидорли футболчилар кашф этилди.

Хулоса қилиб айтганда, жамғармамиз баркамол ва жисмонан бақувват ёшларнинг камол топиши учун бундан кейин ҳам ғайрат билан фаолият олиб бораверади. Зеро, Ўзбекистонимизнинг келажиги буюк давлат бўлиши йўлида фаолият олиб бораётган эканмиз, ана шу нури келажак ворислари ёшлар, хусусан, фарзандларимиздир.

Маъмур САИДҚОСИМОВ,
Болалар спортини ривожлантириш
жамғармаси Тошкент шаҳар
филиали директори

Жамғармалар фаолиятдан

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

настикаси, "Кувноқ стартлар" эстафетаси бўйича мусобақалар уюштирилди.

Болалар спорт мактабларида уюштирилган "Очқ эшиклар куни" тадбирларида аёллар, қизлар ҳамда оилавий жамоалар ўртасида турнирлар бўлиб ўтди.

Юртимизда болалар спортини ривожлантиришнинг ўзига хос тизими яратилганлигини ҳамма билади. Яъни мактаб ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари", ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Баркамол авлод", олий ўқув юртли талабалари ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган Универсиада спорт мусобақалари туфайли умидли ёш спортчиларимиз халқаро микёсидаги нуфузли турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Эътиборлиси, ёшларимиз Осиё ҳамда жаҳон чемпионатларида кўплаб олтин, кумуш,

Ҳеч қайси соҳа мамлакатни дунёга спортчилик машҳур қила олмайди, деган ҳикматда олам-олам маъно мужассам.

Спорт масканларида

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР
КЎПАЙМОҚДА

Шу боис ҳам Истиклол ша-рофати туфайли юртимизда жисмоний тарбия ва спортга, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Болалар спортини тараққий эттиришнинг давлат сийёсати даражасига кўтарилганлиги кишини қувонтиради.

Камина раҳбарлик қилаётган Олмазор туманидаги 23-сонли ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабини ҳам Истиклол меъаси дейиш мумкин. Чунки 1996 йилда қурилиб фойдаланишга топширилган ушбу спорт мактаби олимпия спорт турлари, хусусан, эркин ва синхрон сузиш, байдарка ва каноеда эшак эшиш бўйича спортчиларни тайёрлашга ихтисослашган.

Спорт мактабимизда 595 нафар болалар ва ўсмирлар (шуларнинг 296 таси қизлар) сузиш, эркин сузиш, синхрон сузиш, байдарка ва каноеда эшак эшиш спорт турлари сирларини кунт билан ўрганишмоқда. Уларга ўз касбининг устали бўлмиш малакали мураббийлар сабоқ беришмоқда.

2012 йилдан спорт мактабимизга олимпия захиралари мақоми берилгани устоз ўқитувчилар ҳамда мураббийлар зиммасига катта масъулият юклатди. 2010 йилда қайта капитал таъмирланган спорт мактабимизда ўқувчиларнинг спорт билан эмин эркин шугулланишлари ва билим эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мактабимиз замонавий педагогик технологиялар, компьютер воситалари, ўқув жиҳозлари, дарсликлар, қўлланмалар, шунииндек, замон талабига жавоб берувчи спорт заллари, сузиш хавзалари, кутубхона билан таъминланган.

Спорт мактабимизни иқтидорли ёшлар маскани десак муболаға бўлмайди. Сабаби, малакали устозлардан сузиш спорт турларини кунт билан ўрганаётган умидли ёшларимиз орасидан халқаро ҳамда мамлакат микёсидаги турнирларда совринли ўринларни кўлга киритаётганлари жуда кўп. Жумладан, ўтган йили турнирларда мактабимиз ўқувчиларининг 102 нафарига шохсупанинг энг юқори погонасини забт этиб, олтин медаль билан тақдирланган насиб этган бўлса, 67 нафар ўқувчини ку-

муш, 69 нафари эса бронза медаллари соҳиби бўлди.

Жорий йилнинг шу кунига қадар ўтказилган турли микёсдаги мусобақаларда ўқувчиларимизнинг 55 нафари олтин, 42 нафари кумуш ҳамда 38 нафари фахрли бронза медалларини кўлга киритишди. Албатта, ўқувчиларимизнинг бу муваффақиятлари замирида мураббийларнинг машаққатли, бироқ шарафли меҳнатлари ётибди.

Устоз-мураббийларимизнинг ёш, баркамол, соғлом авлодни тарбиялашдаги, жисмоний тарбия ва спортни болалар, ўсмирлар ўртасида оммалаштиришдаги меҳнатлари мамлакатимиз раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланмоқда. Жумладан, 2013 йилда синхрон сузиш бўйича мураббий Алина Пинтовская "Дўстлик" ордени билан тақдирланган бўлса, 2014 йилда синхрон сузиш бўйича мураббий Оксана Борникова II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби бўлди. Яна бир иқтидорли мураббий Алексей Мочалов эса ўтган йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони эгасига айланди.

Юқорида спорт масканимиз иқтидорларга бой эканлигини таъкидлаб ўтгандик. Сўзимизнинг исботи сифатида шуни айтишимиз жоизки, Шохда Зоҳидова синхрон сузиш бўйича эришган ютуқлари, аёло ўқиши туфайли 2012 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, ўтган йили яна бир ўқувчимиз Хуришда Ҳақимова ҳам Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби бўлишдек бахт насиб этди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларнинг чуқур билим олиши, касб-хунар билан шугулланиши, жисмоний тарбия ва спорт сирларини пухта ўрганишлари учун мамлакатимизнинг ҳар бир таълим ҳамда спорт мактабларида барча қулайликлар яратилган. Бу имкониятлардан ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам самарали фойдаланишса кифоя. Ана шунда юртимиз ҳар бир соҳада, хусусан, спортда ҳам бундан-да юксак марраларни забт этаверади.

Луиза ҲИКАТОВА,
Олмазор туманидаги
23-сонли
ихтисослаштирилган
болалар ва ўсмирлар
олимпия захиралари спорт
мактаби директори



Ёш чемпионлар

ОЛИМПИАДА САРИ
ИНТИЛИБ

Бугунги лавҳамиз қаҳрамони Тимур Қодиров яқиндагина спорт гимнастикаси бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига сазовор бўлди.

Аслида Тимур ҳали жуда ёш. Лекин ундаги ғайрат, шижоат, таъбир жоиз бўлса, тиришқоқлиги матонат ўз самарасини бермоқда.

— Ўғлим спорт гимнастикасига жуда ёшлигидан қизиққан, — дейди Тимурнинг онаси Илмира опа биз билан суҳбатда. — У телевизорда спорт гимнастикаси бўйича мусобақаларни эринмай кузатар, спортчиларга хос ҳаракатлар қилишга интилар эди.

Тимурдаги спортга бўлган иштиёқни англаган ота-онаси Илмира ва Искандар Қодировлар уни Мирзо Улуғбек туманидаги 4-сонли ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабига олиб боришди. Шундай қилиб беш ёшдан Тимур спорт гимнастикаси сирларини малакали мураббийлари Константин Саулов, Элла Саулова кўмагида кунт билан ўргана бошлади.

— Очингени тан олиш керак, — дейди Константин Саулов, — спорт гимнастикаси спортчида тинимсиз изланиш, машаққатли меҳнатни талаб этади. Шогирдларим орасида қобилиятлилари кўп. Лекин Тимур ўзгача иқтидорга эга спортчи. У ҳар бир машғулоти бекаму кўст бағир шижоатда, хусусан, машғулотдан кейин ҳам ўз устида ишлайди. Шу боис ҳам у ҳозирда катта ютуқларни кўлга киритмоқда.

Устози айтганидек профессионал спортчи бўлишни орзу қилган Тимурга аста-секин омад кўлиб боқа бошлади. 2011 йилда илк марта Ўзбекистон чемпионатида қатнашган Тимур ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпионлигини кўлга киритди. Орадан бир йил ўтиб Таиланда ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда фахрли 3-ўрин соҳиби бўлган қаҳрамонимиз худди шу йили Навоий шаҳрида ўтказилган "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг ғолиби бўлди. Умуман олганда, 2012 йил Тимур учун муваффақиятли келди. Пензада бўлиб ўтган халқаро бирлашган Осиё ва Болтиқбўйи турнирида учинчи ўрин эгасига айланган Тимур Қодировга Санкт-Петербургдаги халқаро мусобақада яна учинчи ўрин насиб этди. Худди шу йили мамлакат биринчилигида

Тимур ўсмирлар ўртасида шохсупанинг энг юқори погонасини забт этди.

— Тимур мактабда ҳам намунали хулққа эга бўлган ҳамда барча фанларни пухта ўзлаштирган ўқувчилар сирасига қиради, — дейди тумандаги 187-мактаб ўқитувчиси Любовь Крюкова. — Айрим болалар спорт билан мунтазам шугулланса, фанларни ўзлаштира олмайди. Тимур эса деярли ҳамма фанлардан аёло ва яхши баҳо олишга интилади, спорт машғулотларига ҳам ўз вақтида улгурлади.

2013 йилда Тимур Мирзо Улуғбек туманидаги Тошкент саноат касб-хунар коллежига ўқишга кирди. Лекин бир зум бўлсада машғулотларга қатнашни қанда қилмади ва АҚШда ўтказилган халқаро турнирда фахрли учинчи ўринни кўлга киритди. Худди шу йилги Ўзбекистон чемпионатида ҳам Тимурга учинчи ўрин насиб этди.

Ўтган йили Португалияда бўлиб ўтган Жаҳон Кубоги баҳсларида Тимур яна муваффақият қозонди ва Тошкентга бронза медаль билан қайтди.

2014 йилги мамлакат очик кубоги баҳсларида кумуш медаль эгасига айланган ёш спортчи Нанкинда ўсмирлар ўртасида уюштирилган ёзи Олимпиада йўнларидан учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Жорий йилги мамлакат чемпионати эса Тимурнинг маҳорати йилдан йилга юксалиб бораётганини яққол исботлади. У барча рақибларидан кучли эканлигини намойиш этди ва биринчи ўринни эгаллади.

Яқин кунларда Японияда халқаро турнир бўлиб ўтади. Ҳозирда қаҳрамонимиз ушбу мусобақага қизгин ҳозирлик кўрапти. Агар у ушбу халқаро турнирда совриндор бўлса 2016 йили Бразилияда уюштирилаётган ёзи Олимпиада йўлнамасини кўлга киритади.

— Ниятим энди катталар ўртасида жаҳон ва Олимпиада чемпиони бўлиш, — дейди Тимур биз билан суҳбатда.

Тимур билан хайрлашар эканмиз, орзулари амалга ошишига тилак билдириб, унга омад тиладик.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

2015 йил — Кексаларни
эъзозлаш йилиМЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН
БАҲРАМАНД ДИЛЛАР

Пойтахтимизда Ўзбекистон ноғиронлар жамияти Тошкент шаҳар бўлими томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Бетақорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида тадбир ўтказилди.

Унда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, таълим-тарбия олиши, касб-хунар ўрганиши ва меҳнат фаолиятини юритиши учун барча шароит яратилаётгани таъкидланди.

Асосий Қонунимиз, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа қўллаб-қувватлаш ҳужжатларида жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда Саҳоват, Мурувват уйлари, ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий доридармонлар билан таъминлаш, эҳтиёжмандлар учун муносиб шароит ва имкониятлар яратиш доимий эътиборда. Тиббий-ижтимоий реабилитация марказларида ноғиронларни даволаш, уларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилган.

Алоҳида эътиборга муҳтож кишилар, айниқса, ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш, уларни турли танловлар, спорт мусобақалари ва фойдали меҳнатга жалб этиш учун қўллаб-қувватлаш ҳаётга изчил жорий этилмоқда.

Тадбирда алоҳида эҳтиёжли кишиларга ташкилотчилар ва ҳомийларнинг совғалари топширилди, концерт намойиш этилди.

ОБУНА МАВСУМИ
УЮШҚОҚЛИК БИЛАН
ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси томонидан босма оммавий ахборот воситаларини тарқатишни янада такомиллаштириш йўлидаги чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари М.Орипов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, навиқрон авлод маънавиятини юксалтириш, фуқароларнинг ахборот олишга оид ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда вақтли матбуот нашрларини обуначиларга тез ва сифатли етказиб бериш, аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш сифатини янада ошириш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги дастурга мувофиқ "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси тизимидаги матбуот тарқатиш шохобчаларининг 716 таси жорий, 181 таси капитал таъмирланди. Жойларда маркетинг тадқиқотларига асосан аҳоли гавжум жойларда 146 шохобча ҳамда Тошкент шаҳрида янги типдаги киосклардан 93 таси жойлаштирилди.

Компания тизимидаги корхоналарда фойдаланилаётган автомашиналардан 66 таси таъмирланган, 35 янги автотранспорт сотиб олинди. Бу вақтли матбуот нашрларини истеъмолчиларга етказиб бериш янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилда яна 30 янги автомашина харид қилиш бўйича шартномалар имзоланган.

Вақтли матбуот нашрларини муштарийларга тарқатишда компания вилоятлардаги почта алоқа филиаллари, "Халқаро почта" филиали, туманлар почта боғламалари ва алоқа бўлимлари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйган.

Жорий йилда компаниянинг обунани расмийлаштириш ва етказиб бериш харажатлари бўйича тарифлари сезиларли даражада пасайтирилди ҳамда "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятининг даврий нашрларини вилоят марказларига етказиб бериш тарифлари ўтган йил миқдоридан сакланиб қолинди. Компания имкониятларидан келиб чиққан ҳолда 2016 йил учун обуна каталоглари шакллантирилганда баъзи нашрларга, хусусан, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ва болалар нашрларига имтиёзлар қўлланилди.

Айни пайтда 2016 йил обунасини уюштиришда муштарийларга янада кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида аҳоли гавжум жойлардаги 840 киоск орқали вақтли матбуот нашрларига обуна ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятининг барча бўлинмалари, шунингдек, алоқа бўлимларида обуна ишлари олиб боришмоқда.

Компаниянинг веб-сайтида даврий нашрларга обунани расмийлаштириш йўлга қўйилган. Мазкур сайтда аҳоли ва ташкилотлар учун обуна каталогининг электрон кўриниши жойлаштирилган.

Обуна мавсумида мижозларга қулайлик яратиш мақсадида компания шохобчаларидаги терминаллар 314 тага қўйилди. Шу билан бирга, "Web-Sum", "Интернет банкинг", "CLICK" тўлов тизимлари орқали обуна уюштириш ва ҳисоб-китоб ишлари амалга ошириш имкони яратилган.

Тадбирда журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

(ЎА)

Спорт янгиликлари



ЎЗА олган суратлар

ТУМАН БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Шаҳримиздаги Республика олимпия заҳиралари коллежида "Қамолот-тур" VIII аъъанавий веломаарафонининг Чилонзор тумани босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани Кенгаши ташаббуси билан ўшбу мусобақа тумани ички ишлар бошқармаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, "Махалла" хайрия жамоат фонди туман бўлини, "Integro" савдо мажмуаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мусобақада туманда жойлашган таълим муассасаларида тахсил олувчи вояга етмаган 107 нафар ўқувчи-ёшлар — 12-13 ёшлилар 500 метр, 14-15 ёшлилар 800 метр, 18 ва ундан катталар эса 1000 метр масофа оралиги бўйича ўзаро беллашилди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими, республика велоспорт федерациясининг вакиллари иштирокчиларнинг натижаларини одилона баҳолаб боришди.

— Мусобақа тумандаги таълим муассасаларида тахсил олаётган ўқувчи-ёшлар ўртасида велоспорт турини оммалаштириш, уларни спортнинг мазкур тури билан шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида ташкил этилди, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳарака-

ти Чилонзор тумани Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвдинов. — Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида веломаарафоннинг шаҳар ва республика босқичларида туманимиз ёшлари фахрли ўринларни қўлга киритишган. Асосий мақсадимиз ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдир.

"Қамолот-тур" VIII ёшлар веломаарафонининг Олмазор тумани босқичи ҳам қизғин тарзда ўтди.

Веломаарафон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор тумани Кенгаши томонидан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни спортга оммавий равишда жалб этиш, улар ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, хаваскор ўсмир-ёшлар ўртасида велоспорт турига қизиқишни орттириш ҳамда экологик тоза транспортни оммалаштириш мақсадида ташкил этилди. Веломаарафонда тумандаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллеж, академик лицейлар ўқувчилари ҳамда уюшмаган ёшлар 9-14, 15-17, 18-30 ёш тоифаси бўйича иштирок этишди.

— Мазкур веломаарафон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати — экологик тоза транспорт тарафдори! — шиори остида ўтказилди, — дейди "Қамолот" ЁИХ тумани Кенгаши бош мутахассиси, "Қамалак" болалар ташкилоти раиси Бехзод Исаев. — Эътиборга молик жиҳати шундаки, мусобақанинг ҳудудий босқичида 420 нафардан ортиқ велоспортчи ёшлар иштирок этди. Бу йилги ёшлар миллий веломаарафонини юқори савияда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб, туман ҳоким-

лиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг туман вакиллари ҳамкорлик қилишди. "Қамолот-тур" VIII ёшлар миллий веломаарафони профессионал спортчилар беллашуви эмас, балки мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи, экологик транспорт тарафдори бўлган ватандошларимизнинг лойиҳасидир.

Зарина РУСТАМОВА

ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР УСТИДАН ҒАЛАБА

Тошкентлик 13 ёшли Шамсиддин Воҳидов Россиянинг Хант-Мансийск шаҳрида бўлиб ўтган шахмат бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида халқаро гротсмейстер унвонига эга ҳиндистонлик Картикеян Муралини мағлубиятга учратди.

Барча мутахассислар Ҳиндистонда келажаги порлоқ шахматчи сифатида қаралаётган 16 ёшли Картикеян Муралини оsonлик билан ғалаба қозонишини кутиб турган бир паллада қора доналар билан ўйнаган ҳамюртимиз рақибини мағлубиятни тан олишига мажбур қилди.

Ушбу ғалабага гувоҳ бўлган юртимиздаги ақл "гимнастика"си муҳлисларининг дунёнинг энг кучли шахматчиларидан бири бўлган Рустам Қосимжоновга муносиб издош шахматчилар етишиб чиқаётганидан кўнгли қувончга тўлди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Таиландда енгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро очик чемпионатнинг сўнгги кунда Ўзбекистон терма жамоасининг аъзолари биттадан олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди.

Спортчилардан ўзига хос техник маҳорат ва истеъдод талаб этадиган баландликка сакраш мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Тимур Раҳматуллаев 213 сантиметр натижа кўрсатиб олтин медалга эга бўлди. Атлетимиз халқаро

мусобақа ғолиблигини қўлга киритиш баробарида Ўзбекистон спорт устаси талабини ҳам оsonлик билан баҳарди.

Уч қатлаб сакраш бўйича бўлиб ўтган баҳсларда вакилларимиздан Иван Денисов 15 метр 71

сантиметр натижа билан кумуш, Андрей Резниченко эса ундан тўрт сантиметр камроқ кўрсаткич билан бронза медалга сазовор бўлди. Ушбу секторда иштирок этган яна бир юрдошимиз Тимур Хуснуллин тўртинчи ўринни банд этди.

Ўзбекистон терма жамоасининг ёш, умидли спортчилари якунда учтадан олтин ва кумуш, битта бронза медаллари билан мамлакатимизга қайтиб келишди.

Олий ва биринчи лига клубларининг тайёрлов гуруҳлари ўртасидаги мусобақа бу йил ҳам аъъанавий тарзда ўтказилади.

САРАЛАШ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ

Турнир регламентига кўра иштирокчилар катта ва кичик ёшлилар гуруҳларига бўлинган. Бунда 1999/2000 (катта ёшлилар) ҳамда 2001/2002 (кичик ёшлилар) йилларда туғилган футболчилар алоҳида тарзда ўйинлар ўтказишди.

Саралаш босқичининг 1-турида "Олмалик" — "Пахтакор" — 0:2 (кичик ёшлилар), "Олмалик" — "Пахтакор" — 2:5 (катта ёшлилар), "Бунёдкор" — "Локомотив" — 2:1 (кичик ёшлилар),

"Бунёдкор" — "Локомотив" 5:0 (катта ёшлилар) натижалари қайд этилди. Шунингдек, бу сафарги турнирда "Обод" клуби қатнашмайдиган бўлди ва унинг ўрнини "Бунёдкор" эгаллади.

Мураббийлар учун ёш футболчиларнинг маҳоратини чамалаб олишларида, уларнинг истеъдодини яна бир бор кўздан кечиришда муҳим аҳамиятга эга мусобақа 15 октябр-га қадар давом этади.

Ботир ХЎЖАЕВ

Словакияда ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этган Ўзбекистон олимпия терма жамоасини жиддий синовлар кутмоқда.

МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИ

Гап шундаки, олимпиячиларимизнинг зиммасига Бразилияда 2016 йилда уюштирилладиган ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган.

Шу боис ҳам Словакиядаги халқаро турнир олимпия терма жамоамиз аъзолари учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Халқаро турнирнинг дастлабки баҳсида БАА Олимпия терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз Саудия Арабистони олимпия

терма жамоасига қарши кечган иккинчи учрашувда 1:3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди. Учинчи баҳс Иордания терма жамоаси билан ўтказилиши керак эди. Аммо айрим сабабларга кўра иорданиялик футболчилар халқаро турнирда иштирок этишмади.

Шу сабаб ҳам БАА терма жамоаси билан иккинчи учрашув уюштирилди. Қизиқарли ва мурасиз кечган баҳсда томонлар 1:1 ҳисобида дуранг ўйнашди.

ОСИЁДА ЕТАКЧИЛАР ҚАТОРИДА

Малайзия пойтахти — Куала-Лумпур шаҳрида Осиё Футбол Конфедерациясининг миллий терма жамоалар мураббийлари учун биринчи анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов ҳам ташкилотчилар томонидан ушбу семинарларга тақлиф этилди. У миллий терма жамоалар мураббийларига ўзининг йирик халқаро мусобақаларда ортирган тажрибаси ҳақида сўзлаб, иштирокчилар учун фойдали маълумотлар билан ўртоқлашди. Эрматовнинг ушбу конференцияда иштироки учун Осиё Футбол Конфедерацияси Ўзбекистон Футбол федерациясига миннатдорчилик хати юборгани хабар қилинмоқда.

Шуни ҳам қўшимча қилиш кераки, Ўзбекистон Футбол федерацияси Осиё Футбол Конфедерацияси томонидан қўйиладиган ҳакамларни етказиб бериш ишларида етакчилардан бири сифатида тан олинган. Август ойида бўлиб ўтган ҳакамлик борасидаги саволлар юзасидан ОФК томонидан ташкил этилган мажлисга ЎФФ ҳакамлар департаменти бошлиғи Ноил Лутфуллин тақлиф этилишида ҳам шундай жиҳатлар эътиборга олиниб, ҳакамлик даражаси яна бир бор эътирофга лойиқ қўрилган эди.

Кўргазмалар

ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида "Энг улуг, энг азий!" мавзусида кўргазма ва тадбир ташкил этилди. Ундан кўзланган асосий мақсад меҳмонларга мустақилликнинг моҳияти, унинг аҳамияти ҳақида тушунча бериш ҳамда ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдан иборат.

Кўргазмада 15 дан зиёд фотограф ва расомларнинг юздан ортиқ ишлари намойиш этилаётган бўлиб, унинг очилишида сўзга чиққанлар Ватанининг ҳаммамизга муқаддас ва қадрли эканлигини, унинг оstonадан, оиладан, маҳалладан бошланиши, меҳнаткаш халқимизнинг йиллар давомида орзиқиб қўтилган эрки, озодлиги ҳақида тўхталиб ўтишди.

Кўргазманинг бадиий қисмида Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари, музей ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг чиқишлари, Мудофаа вазирлигига қарашли 23-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Хабиба ЙЎЛДОШЕВА

КЕЛАЖАК АВЛОД САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунёда ҳар минг чақалоқнинг 6-7 нафарида туғма юрак нуқсони қайд этилади. Бу хасталик билан оғирган беморларга ўз вақтида тўлақонли тиббий кўмак кўрсатилса, беморни соғлом ҳаётга қайтариш мумкин.

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш жараёнида соғлиқни сақлаш соҳасининг барча йўналиши, хусусан, юрак-қон томир касалликлари келиб чиқишининг олдини олиш, уни даволаш, кардиологияни изчил ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мурраккаб операция турларидан бири ҳисобланган кардиожарроҳлик соҳасида тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари чақалоқлигиданоқ назоратга олиниб, амалга оширилиши юрак-қон томир хасталиклари эрта босқичларда бартараф этиш имконини бермоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида самарали лойиҳаларни ҳаётга кенг татбиқ этиб келаётир. Бу ишга чет эллик мутахассислар ҳам жалб этилиб, зарур ҳолларда болалар энг замонавий хориж клиникаларига саломатлигини тиклаш учун юборилмоқда.

2008 йилдан буён Корея Республикасининг Пундан Ча ҳамда Инха университетлари госпиталларида туғма юрак нуқсонини, тери куйиши асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари хасталиклари билан оғирган болалар мунтазам соғломлаштирилаётгани ана шундай эзгу амаллардан. Айни вақтгача икки юз нафарга яқин болада жарроҳлик муваффақиятли амалга оширилди.

Кўни кеча туғма юрак нуқсонини бор яна олти нафар бола Корея Республикасининг нуфузли клиникаларига даволаниш учун юборилди. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида яшовчи беш ёшли Абдулворис Тоиров улардан бири. Унга туғма юрак порогои ташхиси қўйилган.

Шифокорлар ва "Соғлом авлод учун" фонди мутахассислари ўғлимни тиббий кўриқдан ўтказиб, ундаги бу нуқсонни бартараф этиш мумкинлигини айтишди, — дейди Абдулвориснинг отаси Умид Тоиров. — Шу мақсадда уни даволатиш учун жўнатдик. Ўғлим бутунлай соғайиб, шифо топиб келишига ишонаман.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА муҳбири

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

дузи — 25-27 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 16 сентябрда Тошкент шаҳрида 16 сентябрь кунини ҳаво ўзариб туради, ёнғингарчилик бўлмайдиган. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кун-

кент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратибди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.